

Бухоро шаҳар ҳокимлиги «Энг осойишта ва обод маҳалла» танловини эълон қилди. Икки босқичда ўтказилган ушбу тадбирда шаҳардаги барча маҳалла ва фуқаролар йиғинлари иштирок этади.

Танловда ободонлаштириш, кўкназорлаштириш ишлари, маҳаллада олиб борилаётган тарбиявий ишлар, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, миллий кадрларни эъозлаш, тўй-маъракалари замон талаблари даражасида ўтказиш каби кўрсаткичлар эътиборга олинади. Ҳали маҳалла юз минг сўм миқдоридеги пул мукофоти билан тақдирланади.

(ЎЗА).



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 1 март, шанба № 34 (1459)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ



28 феврал кўни Оксаройда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, кўмита, концерн, корпорация, банк ва бошқа молия муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни Президент Ислоҳ Каримов бошқарди.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ва жорий йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг



сабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципал жиҳатдан янги баҳолаш меzonларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта қўриб чиқишни кўзда tutувчи меърий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалигида ва, умуман, иқтисодиётимизда ислохотларнинг оқсатгани, чала-ярим амалга оширила-

ётганига аксарият ҳолларда жойларда буйруқбозлик, расмийчилик, боқимандалик, тadbirkorлар ва фермерларнинг фаолиятига асоссиз аралашуш каби иллатларнинг ҳали-ҳамон давом этаётгани сабаб бўлмоқда. Бугуннинг талаби соҳада бошқаришни тақомиллаштириш, деҳқон ва фермерларга том маънодаги эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига бозор ислохотларига хос соғлом рақобатни шакллантириш, мулкка эгаллик ҳиссини муштақамлашдан иборат.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари - иқтисодий вазир Р.Азиев, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов ахбороти тинланди.

(ЎЗА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 28 феврал кўни Оксаройда Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандесни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари азалий Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатлари жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Сизни нафақат Ҳиндистоннинг мудофаа вазири, балки ушбу давлатнинг танлиқ сиёсат ва жамоат арбоби сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, - деди Ислоҳ Каримов. - Улкан салоҳиятга эга Ҳиндистон билан узоқ йиллик алоқаларимиз бугунги кунда ҳам ҳар томонлама раванк топмоқда. Кўплаб халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан мамлакатларимизнинг фикрлари ҳамоханг. Биз бундай муносабатларни қадрлаймиз.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Ҳиндистонда Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор билан қаралишини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро ахборот алмашиш, минтақавий ҳафсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

ҲИНДИСТОН МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, азалий бодди-келдиларни янги поғонага кўтариш ҳақида сўз борди.

Шу кун Муҳофаа вазирига бўлиб ўтган учрашувда Жорж Фернандес ва Ўзбекистон ҳарбий маҳкамаси раҳбари Қодир Ҳуломов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилди. Музокарада минтақавий ҳафсизлик муаммолари, бу борадаги қўшма амалий ҳаракатларни жонлантиришга эътибор қаратилди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан кечган суҳбат давомида ҳам узоқ тарихга эга бўлган Ўзбекистон-Ҳиндистон алоқаларини янада муштақамлаш, ўзаро савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик қўламини кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Кичик ва ўрта бизнес иқтисодиёт таянчи

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

тadbirkorларга янги иш ўринлари яратишда қўл келмоқда

Бўстонлик туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkorлар палатаси республика Вазирлар Маҳкамасининг тadbirkorлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, бу ерда ишбилармонларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Бу борада вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси, суд ва бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Судларга даъво аризалари киритиш, шартнома мажбуриятига амал қилиш, мониторинг ўтказиш, бизнес режа тузиш каби ишлар юзасидан кургазмали семинарлар, савол-жавоблар, давра суҳбатлари ўтказиш аънаанага айланган қолган.

Тadbirkorларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида палата қошида кўчмас мулк биржаси, Ахборот маслаҳат маркази, ҳисобчилик гуруҳи, ҳуқуқшунос хизматлари ташкил этилган кўпчиликнинг ҳолатини қийинлаштиради. Уларни назорат қилувчи органларнинг файриқонуний текширишларидан ҳимоя қилиш мақсадида Адлия Вазирлиги томонидан тadbirkorларнинг текширишлари рўйхатга олиш китоби кичик ва ўрта бизнес субъектларига тарқатилди. Ишонч телефонлари ишлаб турибди. Ўтган йили яқка тартибдаги тadbirkorлардан 174 таси, хусусий фирмалардан 79 тасининг талаби қондирилди.

Чирчиқ шаҳрида Бизнес инкубатор жамияти иштирокида тadbirkorларга ҳар ҳафтанин жума кунлари дабепул маслаҳатлар бериб борилаётгани ва ҳар ойнинг охирида семинар машғулотлари ўтказилаётгани ўз самарасини бераётди.

Шуни таъкидлаш зарурки, палата қошидаги ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан тadbirkorлик субъектларига турли хилдаги хизматлар кўрсатилади. Янги ташкил этилаётган юридик ва жисмоний шахсларга ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам кўрсатишмоқда.

Бизнес фонд «АҚМ» ташкилоти туман бўйича ўрта ва кичик бизнесни ҳамда хусусий тadbirkorликни ривожлантириш дастурига асосан кўплаб ишларни амалга оширди. Жумладан, сартарошлик, компьютер соҳаси, тивувчилик, бухгалтерия, иш юритиш соҳалари бўйича жами 46 нафар тadbirkor қисқа муддатли ўқуш курсларини тамомлаб, сертификатга эга бўлишди.

Юридик мақомга эга бўлган тadbirkorларни имтиёзли кредит билан таъминлаш имконияти яратилмоқда. Хусусан, бизнес фонд линияси бўйича 3 нафар тadbirkorга 6615 минг сўм, юридик мақомга эга бўлган 1 та фирмага эса 5 миллион сўм кредит ажратилди. Тумандаги яна 2 та фермер хўжалигига 2 миллион сўмдан кредит маблағи бериш мўлжалланган. Бу эса, ўз навбатида мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилмоқда. Хусусан, янги иш ўринлари яратишда қўл келмоқда.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАР ЎРНАТИЛМОҚДА

Андижон тумани «Газтаъминот» корхонаси қишлоқ хонадонларига газ ўлчаш ускуналарини ўрнатмоқда.

Жорий йил охирига қадар жами 21 минг дона газ ўлчаш асбоблари ўрнатилди, - деди корхона раҳбари Эркин Мамажонов «Туркистон-пресс» мухбирига. Шу йилнинг охиригача бу ишларни амалга оширишни мўлжаллаётган. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Газ ўлчаш ускуналарини ўрнатиш бўйича бешта гуруҳ тузилган. Улар кун-

нига 20 дан зиёд хонадонга ўлчачилар ўрнатмоқда.

Э. Мамажоновнинг таъкидлашича, ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошида корхона мутахассислари томонидан 4,5 мингта қишлоқ хонадонига газ ўлчаш асбоблари ўрнатилди. Хонадон ахллари газ ўлчаш асбобларининг нафини билиб олишди. Ускуналар билан таъминлашни Андижон вилояти «Газтаъминот» корхонаси ўз зиммасига олди.

(ЎЗА).

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш борасида бир мунча ишлар қилинди. Шу кунгача вилоятдаги 4 та мактаб интернет тармоғига уланди. «Модем» тармоғига 13 та халқ таълими бўлимлари ва 6 та мактаб боғлиғи ўзаро ахборотлар алмашиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, электрон почта хизматида фойдаланилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида 5 та авария ҳолатидаги мактаблар шай ҳолатга келтирилди. 4 та янги мактаб фойдаланишга топширилди. Ҳамкорлик дастурига асосан 33 та мактаб, 5 та болалар боччаси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Зарбдор туманида жойлашган кўзи ожиз, соқов ва заиф

эшитувчи болалар махсус интернатларида Япониянинг «Кичик масштабдаги лойиҳа» дастури асосида 166,2 минг АҚШ долларлик иш бажарилди.

Мирзачўл туманида иқтидорли болалар мактаби, Фориш ва Зафаробод

тўғрисидаги қарорини бажариш борасида ҳам муайян ишлар қилинди. Хусусан, дарсликлар сотувини ташкил этишга 3 миллион сўм маблағ ажратилди. Мактабларнинг 9-синф ўқувчилари 10 номдаги дарсликлар билан

дарсликлар физика ва математика фанларини чуқур ўрганишга иктисослаштирилган синфлар очилди. Бундан ташқари иқтидорли, қобилиятли ўқувчиларнинг қўшимча таълим олишлари учун Жиззах туманида 100 ўринли Увайсий номи ёзги оромгоҳ иш бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг Улузқиз таълим тизимларини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш

ишларида физика ва математика фанларини чуқур ўрганишга иктисослаштирилган синфлар очилди. Бундан ташқари иқтидорли, қобилиятли ўқувчиларнинг қўшимча таълим олишлари учун Жиззах туманида 100 ўринли Увайсий номи ёзги оромгоҳ иш бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг Улузқиз таълим тизимларини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш

ишларида физика ва математика фанларини чуқур ўрганишга иктисослаштирилган синфлар очилди. Бундан ташқари иқтидорли, қобилиятли ўқувчиларнинг қўшимча таълим олишлари учун Жиззах туманида 100 ўринли Увайсий номи ёзги оромгоҳ иш бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг Улузқиз таълим тизимларини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш

Соҳиба АБЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири.

ДАРОМАДГА ТЕХНИКАЛАР

Сайхунобод туманидаги «Ойбекон» фермер хўжалиги деҳқонлари баҳорги экиш мавсумига пухта ҳозирлик қўрди. Ўтган йил ҳосилидан олинган фойда ҳисобига ҳайдов ва чопиқ тракторлари, «Енисей» комбайни сотиб олинди.

Ўтган йили Эркин Туронов раҳбарлигида 127 гектар сугориладиган майдонга деҳқончилик қилиниб, давлатга галла этказиш топшириғи 110 фоизга бажарилган эди. Хўжалик бундан 6 миллион сўм соф фойда олди. Жамоянинг ҳар бир аъзосига 4 тоннадан бугдой тарқатилди.

(ЎЗА).

«Ишонч» бонг уради

лиши, иш ҳақининг тўланиши, пул эмиссиясининг қисқартириш соҳасида муаммолар истаганча топилади.

Текширишлар сонининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши корхона ва ташкилот-

кишини ажаблантиради. Аудиторлик хизмати буртмачилар томонидан тузилган шартнома асосида амалга оширилди. Вилоятда худудий аудиторлик палатаси ишлаб турибди. Бундан ташқари махсус

лианининг йиллик фаолиятини ўрганган. Лекин, ходимларга ошқича тўлаб юборилган 157 минг сўмдан зиёд нафақа ва сафар харajatлари ҳисобот ҳулосасига киритилмаган. Бундай қўзғуламчилик кимга керак?

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят худудий комиссияси «Турон» акциядорлик тижорат банки Қарши филиалида текширишларни тартибга солиш соҳасида қонунчиликка амал қилинишини таҳлилдан ўтказди. Банк томонидан 8 та субъектда текширув ўтказилган бўлса, уларнинг биронтасида ҳам хато-камчиликлар қайд этилмаган.

Текшириш авваламбор иқтисодиётни соғломлаштириш, мавжуд молиявий ресурслар ва маблағлардан тежаб-тежаб фойдаланишга хизмат қилиши керак эмасми?

Иззат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТЕКШИРИШЛАР «ХЎЖАКЎРСИН»ГАМИ?

Текширишлардан мақсад жазолаш ва жариималар ундиришдангина иборат эмас, - дейди назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи худудий комиссияси раисининг ўринбосари, давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурмат Джилибеков. - Балки, корхона ташкилотлардаги хато ва камчиликларнинг олдини олишдир.

Ўтган даврда ўтказилган текширишларнинг 6513 тасида молиявий тартиб бузишларга йўл

қўйилган-лиги аниқланди. Айбдорларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Бирок, айрим назорат органлари текширишларни хўжакўрсинга ўтказиб қўйиб, текширишларни ташвишли бир ҳолдир. Бундай камчиликлар кўпинча тижорат банкларининг фаолиятида содир бўлаяпти. Масалан, улар томонидан ўтказилган 1123 та текширишнинг фақат 242 тасида камчиликлар аниқланганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ҳолбуки, банкларда нақд пул тушуви режаларининг бажари-

лар, тadbirkorлар ишига пугур етказилади. Шунга қарамадан, вилоятдаги Техника назорати ва шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш инспекциялари, Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ўтказилган текширишлар сони анча ошиб кетган. Ёки Қарши шаҳри, Яқабоб, Ғузор, Деҳқонобод туманларида режалаштирилган текширишлар ўтказилмасдан қолган. Худудий комиссияларнинг йиғилишлари вақтида ўтказилмаганлиги

рухсатномага эга 27 та аудиторлик ташкилоти бор. Бу яхши, албатта. Бирок, улар томонидан кўп ҳолларда текширишлар юзаси ўтказилади. Масалан, «Тахлил» аудиторлик ташкилоти Қарши шаҳридаги «Олтин мевва» шўъба корхонасининг молиявий хўжалик фаолиятини текширишдан ўтказиб, корхона раҳбарига ҳулосани тақдим этмаган. Республика «Агротехлик» аудиторлик компанияси Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти Қашқадарё фи-

Ифтхор

ЎҚУВЧИЛАР АҚШДА ТАЪЛИМ ОЛИШДИ

Мамлакатимизда таълим тизимини ислох қилиш устувор йўналишлардан бири, деб белгиланган. Шу боис бу борада амалга оширилаётган ислохотлар мақсади соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишдан иборатдир.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни изчиллик билан ҳаёtgа татбиқ этаётган Жалолқудум туман Халқ таълими бўлими ходимлари асосий эътиборни билимли, мустақил ва эркин фикрловчи ёшларни тарбиялашга қаратганлар.

Туманда 47та умумтаълим мактаби, 3 та гимназия, 2 та лицей ва муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Уларда меҳнатқашларнинг 35 минг нафардан зиёд фарзандлари таълим олишяпти.

Халқ таълимига методик хизмат кўрсатиш тақомиллаштирилиб, тизимда иш услуби қайта қурилди. Мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги мустақамлиниб, илм масканларида соғлом муҳит вужудга келтирилган.

Мавжуд 50 та мактабга таълим муассасаларида «Учинчи минг йиллик дастури» асосида иш олиб бориляпти. Иккита ўқувчилар ижодий ўйи, 2 та спорт ва 1 та футбол мактабларида 3826 нафар ўғил-қиз шуғулланапти.

Ходимлар ишини давр талаблари даражасида ташкил этиш, ҳар бир ўқитувчининг ўз меҳнат фаолиятидан унумли фойдаланиши йўлга қўйилган. Ўтган икки йил мобайнида бир минг нафардан ортик педагог малакаларини оширдилар. Бундан ташқари, туманининг ўзида 26 та кўча курслар иш олиб борди.

15-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси О.Шамсиддинова Респуб-

лицей талабаси Марғуба Туркбоевалар «Акселс» танлови голиби бўлиб, Америка Қўшма Штатларидаги мактабларда таълим олишди. 24- мактабдан А.Худойбердиев, 10-мактабдан М.Холматовлар Республика иқтидорли ўқувчилар слётида голибликни эгалладилар.

Уч йўналишда таълим сифатини назорат қилиш мониторинги ўтказилиб, 7-, 15- ва 32-мактаблар диагностика таҳлилда юқори натижаларга эришдилар. Тажрибали педагоглардан С.Исманова, М.Ибрагимова, К.Юсупова, М.Қирғизова АҚШда, М.Мухторова, М.Тожибоевлар Германия мамлакатига малака ошириб келдилар. Халқ таълими бўлимида ташкил қилинган тил ўрганиш марказида АҚШ олий ўқув юртларининг профессорлари Р.Элдор ва М.Элдорлар маъруза ўқидилар.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси бойитилаяпти. 19-ўрта мактабга 29 минг АҚШ долларига тенг япон гранти берилиб, илм маскани қайтадан жиҳозланди. Хомийлар ёрдамида 28 та мактаб таъмирланди, 4 та қўшимча синф хоналари қурилди. Ойим кишлоғи фермерлари 7-ихтисослашган ва Қаландаров номи мактабларга 5 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари тақдим этдилар. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман кўмитаси томонидан ўқитувчи ва мураббийларга қарийб 2 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

И. ИСОМИДИНОВ.

Ўзбекистон - Япония: ҳамкорлик қирралари

Мамлакатимиз хунар-техника коллежларининг бир гуруҳ раҳбарлари кунчиқар мамлакат - Японияда бўлиб қайтишди. Сафардан қўзланган асосий мақсад у ердаги турдош ўқув масканларида ўқувчиларга билим бериш тартиби билан яқиндан танишиш эди. Улар орасида Пахтакор туман касб-хунар коллежи раҳбари Кўчкор Сатторов ҳам бор эди.

лари кўп бўлишига қарамай ёғочсозлик ашёлари четдан келтириларкан. Бизнинг бу борада берган саволимизга мезбонлар бир оз хайратланш билан муносабатда бўлишди. Сўнг улардан

афзал кўрмоқда. Бугунги кунда «Тойота», «Мицубиси», «Хонда» каби йирик автоконцернлар, «Сони», «Тошиба» сингари электроника гигантлари ўз махсулотларини Японияда эмас,

учун бўлса керак, талабалар корхоналарга тайёр мутахассис сифатида кириб боришади.

Бизнинг ҳозирги долзарб муаммомиз - японча ўқитиш тартибини коллежимизда жорий этиш. Кунчиқар мамлакатдан замонавий асбоб-ускуналарни олиб келиш билан иш битмайди. Ундан фойдаланиш учун аввало бир неча ходимни малака ошириш учун Японияга юборишни режалаштирганмиз. Чунки назарий билимлар ишлаб чиқариш жараёнида олиб борилганда унинг самараси юксак бўлади. Қолаверса, япониялик ҳамкорларимиз ҳам ёшларга касб-хунар ўргатишининг худди шундай усулини тавсия этмоқда.

Сухбатдош: Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ЮРТДОШЛАР КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА БЎЛИШДИ

қарши чиқишмас экан. Кейин мажбурий таълим бошланади.

Японларнинг турмуш тарзи жуда оддий ва жўн. Уларда «мен табиатнинг бир бўлагиман, шу боис унга тажовуз қилишга ҳақим йўқ» деган тушунча ҳукмрон. Мидзаки аграр вилоят бўлгани сабабли тоғларга туташиб кетган зинапо шаклида барпо этилган ям-яшил боғларда мандарин, лимон ва бошқа цитрус ўсимликлари ўстирилади. Ўрмон-

бири: «Агар дарахтларни кессак, юртимиз табиати фэйсиз бўлиб қолади-ку. Фарзандларимиз ҳам шу ўрмонлару кўллардан баҳраманд бўлишлари керак», дея жавоб берганида, очиги, биз табиатдан нақадар узоқлашиб кетаётганимизни яна бир бор ҳис этдик.

Кейинги йилларда кунчиқар мамлакат эколог мувозанатни сақлаб қолиш мақсадида йирик-йирик заводларни чет элларда қуришни

хорижда ишлаб чиқармоқдалар.

Касб-хунар коллежлари Япония маърифий сийсатининг асосини ташкил этади. Улар энг замонавий жиҳозлар билан тўла таъминланган. Ўқув юртлари қошида ишлаб чиқариш илмий базалари мавжуд. Биз, юртимизда одатда талабаларга кўпроқ назарий билимлар берсак, деймиз. Японларда эса бунинг акси. Улар ишлаб чиқариш амалиётларини кўп қўллашади. Шунинг

«Элтекс» тўқимачилик кўшма корхонасида бугунги кунда 2000 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Хорижлик ишбилармонлар ҳамкорлигида иш олиб борилаётган корхонада тайёрланаётган махсулотлар кўплаб чет мамлакатларга экспорт қилинапти. Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада хизматчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилгангана итуклар омили бўлмоқда.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

И. ҲАСАНОВ олган суратлар.



ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ МИҚДОРИДА МОДДИЙ ЁРДАМ

Коллежимизда ҳуқуқшунослик, молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби, банк иши, қурилиш ва автомобил мутахассисликлари бўйича 825 нафар талабалар таълим олишади. Уларга 57 нафар малакали ўқитувчилар сабоқ бериб келмоқда. Ўқитувчи ва талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда иш берувчи билан ҳамкорликда тузилган жамоа шартномаси асосий ўрин тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалдаги жамоа шартномасига асосан, ўқитувчиларга иш ҳақи, талабаларга стипендия ўз вақтида тарқатиб келинмоқда. Устозлар белгиланган режа асосида таътилда бўлишади. Бу даврда уларга ойлик иш ҳақи миқдорига ёрдам пули берилмоқда. Бундан ташқари, Тўхташ Жўраева, Ўғиллой Тошмирова, Шавкат Насриддинов, Жуманазар Ҳақимовларга қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларимиздан Эргаш Уроқов, Умида Худойбердиевалар «Чинобод» сихатгоҳида дам олдирилди.

Коллежимиз худудида 250 ўринли ётоқхона талабалар иштиёрида. Бу ерда барча шароитлар мавжуд. Бошланғич касаба уюшма кўмитамиз ҳисобидан отанасиз қолган талабалар ҳар ойда моддий тўғилмақда. Дарсликлар билан тўлиқ таъминланган.

Суён УСАНОВ, Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси.

САҲИЙЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Мамлакатимизда ўнлаб саховатпеша корхона ва ташкилотлар, хусусий фирмалар муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан кам таъминланган оилаларга, яққа-ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилаётган. Поитахтимиизнинг Мирзо Улугбек туманидаги «Камола-Шухрат» масъулияти чекланган жамият ана шундай корхоналардан бири саналади.

Айни пайтда жамият томонидан йигирма турдаги озиқ-овқат махсулотлари, турли пиширилган тайёрлаб, тумандаги мактабларга тарқатилмоқда. Бунда кам таъминланган оила фарзандларига моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда.

Саховатпешалик, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш халқимизнинг азалий удуларидандир, - дейди жамият раиси Шухрат Паттохов. - Шунинг учун ҳам фаолиятимизнинг асосий қирраларидан бири сифатида саховат кўрсатишни белгилаб олганмиз. Хусусан, туманимиздаги 208-мактабда таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг 25 нафар фарзандини арзонлаштирилган нархда овқатлантиришни ташкил этганмиз. Келажакда бу борадаги ишларни яна кенг кўламда давом эттиришни ният қилиб қўйганмиз.

Шавкат АБДУЛЛАЕВ.



Ижтимоий таъминот

КОМПЬЮТЕР НАФАҚАХЎРЛАР ХИЗМАТИДА

Мирзачўл туман ижтимоий таъминот бўлими 3972 нафар кишига хизмат кўрсатиб келяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги Фармонида асосан 214 та пенсия қайта ҳисоблаб чиқилди. Бунинг натижасида пенсияларни тўлаш учун биргина январ ойи талабномасига 113 минг сўм қўшилди.

Туманимизда маҳаллий аҳамиятга молик 15 нафар пенсионер бўлиб, улар дорихона, коммунал хизматлардан имтиёзли фойдаланиб келишади. Пенсия ва нафақаларнинг ўз эгаларига вақтида тўлиқ етиб бориши учун алоқа бўлиmlарида етарлича назорат ўрнатилган. Аниқланган камчиликлар эса вақтида бартараф этиляпти.

Компьютер техникаси ишимизни осон қилмоқда. Ўтган йил давомида 422 та пенсия бўйича тушган аризининг барчаси компьютерда тайинланди. Хозиргача 2850 та пенсия ва нафақа компьютерда янги дастур асосида тарқатилмоқда.

Шунга қарамаздан, бу соҳада муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, айрим қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва фермер хўжаликларига хўжалиқ тартибда архивларга топширилмасдан ёпилиб кетмоқда. Оқибатда жойлардан келаётган сўров хатларини текширишда қийинчилик туғилаяпти. Шунинг учун ёпилиб кетаётган хўжалик юритувчи субъектлар хужжатлари архивга топширилиши алоҳида назоратга олиб борилса, ишимиз янада самаралироқ бўларди.

Абдуҳолик УСМОНОВ, Мирзачўл туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи.

СИҲАТГОҲЛАРГА ЙЎЛЛАНМА

«Феруз - Хоразм» тивувчилик ҳиссадорлик жамияти кийим-бош, мактаб формалари, кўрпа-тўшак ва жилдлар тикишга ихтисослашган. Жамиятда меҳнат қилаётган 250 нафар ишчи-хизматчиларнинг барчаси касаба уюшма аъзосидир.

Ўтган йил Наврўз байрамида 22 нафар меҳнат фахрийсига моддий ёрдам кўрсатилди. Барча ишчи-хизматчиларга байрам муносабати билан ишчи-хизматчи ва фахрийларга 150 минг сўмлик тайёр кийим-кечак тарқатилди. Шаҳар тез тиббий ёрдам шифохонасига 165 минг, вилоят шифохонасига 100 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Йил бошида эса ишчи-хизматчиларга 1 миллион 257 минг сўмлик моддий кўмак берилди.

Касаба уюшма аъзоларидан 15 нафарининг ўғил-қизлари республика ва вилоят оромгоҳларида дам олдирилди. 10 нафар ишчи эса имтиёзли йўлланмалар билан сиҳатгоҳларга юборилди.

Бу йил ҳиссадорлик жамиятида иш самарадорлиги янада юқорироқ бўлиши кутилмоқда. Бу эса ишчи-хизматчилар ижтимоий муҳофазаси, моддий манфаатдорлиги янада ошишига замин яратди.

Шукуржон МАШАРИПОВА, «Феруз - Хоразм» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.

Ховос туманидаги «Мустақиллик» кичик корхонаси сўт ишлаб чиқариши 2001 йилдаги икки бараварга кўпайтирди. 2002 йилда 10 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди.

ЗАВОД ҚУВВАТИ ОШАДИ

Хомашёни фермерлардан сотиб оламиз, - деди кичик корхона раҳбарининг ўринбосари Александр Ким. - Улардан тозаланган сўт, қаймоқ, пишлоқ, саригъ ва твсроғлар ишлаб чиқарамиз. Корхонамизга яқинда жойлашган 18 та фермер билан шартнома тузганмиз, улардан ҳар куни 700 килограммдан 1300 килограммгача сўт оламиз. Сўтни қайта ишлаб Ховос, Бобўв туманларидаги болалар боғчалари, шифохоналар ва мактабларга етказиб берамиз. Жорий йилда 20 гектар ерни ижарага олдик. Бу ерда маккажўхори, беда ва бошқа озуқа экинларини етиштирмакчимиз. Ушбу озуқаларни фермерларга етказиб берамиз. Бу йил заводимизнинг суткалик сўт ишлаб чиқариш қувватини 2000 килограммга етказишни мўлжаллаяпмиз, деб таъкидлади А. Ким сўзининг якунида.

«Туркистон-пресс»

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Кейинги йилларда Учкўрғон шаҳридаги 38-автокорхонада иш орага кетди. Омилкорлик етишмаслиги, талабчанлик бўшашириб юборилганлиги оқибатида Меҳнат Кодекси талабларининг бажариллишида қатор камчиликларга йўл қўйилди.

Хусусан, «Автомобил транспортда меҳнатни муҳофиза қилиш қондалари» талаблари унутиб келинмоқда. Яъни корхона худудида транспорт воситалари ва пидедалар ҳаракатларини учун махсус белгилар ўрнатилмаган.

Бугунги кунда бу ерда ишловчилар сони 345 кишини ташкил этади. Бироқ Улар Меҳнат Кодексининг 4.1-бандига асосан меҳнатни муҳофиза қилиш бўйича ўқитиш, тегишли синовдан ўтказиш ишлари бажарилмаган ҳолда фаолият юритишмоқда. Зарарли ишлар рўйхати ишлаб чиқилмаган. Бу ишлар хавфсизлик чора-тадбирлари белгиланган тартибда расмийлантирилмаган. Сигимларнинг ичига тушиб тозалаш бўйича йўл қўйилган хатоликлар фикримиз исботидир. Бу камчиликлар меҳнат хавфсизлиги йўналишида кўзга кўпроқ ташланади. Пармалаш жараёнида маъмурият томонидан тасдиқланган кўрсатма бўйича йўл

қўйилган хатоликлар шулар жумласига кирди. Аккумуляторни таъмирлаш хонаси техник талабга мутлақо жавоб бермайди. Электролитдан чиқадиган захарли ҳавонини алмаштириш йўлга қўйилмаган. Токарлик цехидаги юк кўтариш ускуналарини техник синовдан ўтказилмагани ҳолда ишлатилмоқда.

Лоқайдлик - иллат

бўлса-да, ҳақиқатда бунга амал қилинмаганлиги аниқланди. Меҳнат бўлимига эса иш ўринларининг тайёрлиги юзасидан сохта ахборот берилган. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек бундай сохта-гарчиллик билан автокорхона раҳбарлари нимага эришмоқчи бўлганлигини тушуниш қийин.

Аҳмаджон Йўлдошев, Самаджон КОДИРОВ, Наманган вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси инспекторлари.

2003 йил — Обод маҳалла йили

Истиклол йилларида юртимиздаги кўпгина жамоалар ўтиш даври машаққатларини ўз ташаббус ҳамда тadbиркорлиги, ақл ва салоҳият кучи билан энгиб, ибрат қилиб кўрсатса арзигулик ишларни амалга оширдилар. Янгиерликлар ҳам бундан мустасно эмас. Лекин ечимини кутайтган муаммолар ҳам йўқ эмас. Шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини раванга топтиришда катта куч саналган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қай режаларга қўра иш юритмоқда? Маънавий-маърифий тарбияни яхшилаш соҳасида ички имкониятлардан фойдаланилганми? Маҳалла оқсоқоллари қанақа юмушлар билан банд? Биз Янгиер шаҳри маҳаллаларини кезиб, худди шундай саволларга жавоб изладик.

— Бундан олти йилча аввал катта режалар билан иш бошлаган эдик, — дейди «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлини маси раиси Алиқул Холбоев. — Мавжуд ўн тўртта маҳаллалардаги иқтисодий имкониятларни юзага чикариш, зарур ҳолларда кишиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ободончилик ва қурилиш ишларига бош қўйиш — дастурий вазифаларимизнинг асосийларидир. 1999 йилда 30 га яқин ҳомий ташкилот раҳбарлари билан шартнома тузгандик. Бироқ уша йилги бу ташкилотлардан жамғармамиз ҳисоб рақамига атиги 100 минг сўмдан ошироқ пул тушди. 2000 йилда эса бу рақам 705 минг сўм ўрнига 118

зое кетмади. Айни вақтда бу иншоот Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорига қўра «Ўзавтотўл» тасарруфига киритилди. Ойлаб, йиллаб маош ололмаганларнинг иш ҳақлари ундириб берилди. Илгари сотиб юборилган ишчилар ошониси келишилган нарҳда қайтариб олинди. Эндиликда корхона ўзининг дастлабки маҳсулотларини чикарапти. Ҳадемай у тўла қувват билан ишлаш бошлайди. Шунда ўз-ўзидан ишчилар сони кескин камаяди. Умуман, шу корхонадан умидимиз катта. Агар у оёққа турса, бутун шаҳар қаддини ростлаб олади, яна илгаридек, доврўф қозонади. Одам-

ҳам гоҳо шу ерда ўтади, — дейди мактаб-интернат директори Омон Қўлдошев. — Биз спортнинг фақат футбол тури эмас, балки ўнлаб турлари бўйича машғулотлар олиб борамиз. Яқинда спортчи-ёшларимиз учун маҳсус дарслиқлар яратдик.

Айтишларича, Омон Қўлдошевнинг ўзи ҳам машҳур спортчи, у чет элларда бўлиб, бир қанча йиллар кўпгина терма жамоаларда тўп сурган экан. «Таниқли футболчиларнинг ҳаммаси маҳаллалардан чикақан, шундай экан, бизнинг болалардан ҳам зўр футболчилар албатта чиқиши керак, биз бутун кучимизни шу мақсад йўлида сарф этамиз», дейди мураббий ишонч билдириб.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ ТОПИЛСА...

«Газ тўловлари қийнаб юборяпти...» Бу ҳар бир маҳалла оқсоқолининг кўнглидаги гап. Оқсоқолини қийнаётган бу муаммо илдизи ни-

Кўнглингизда не гап, оқсоқол?

минг сўмини ташкил этди. Бу маблагни кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган хонадонларга имкон қадар моддий кўмак учун ажратдик. Ҳомий ташкилотлар билан «тил» топилмаганимиздан кейин жамғарма қошида бир неча маиший хизмат шохобчаларидан иборат «Гўзал» кичик корхонасини очдик. Ишиси юрган ёшларни йигирма нафари шу корхона хизматига жалб этилди. Яқинда йўловчи автомобиллар учун ички жойда пуллик шох-бекатлар ташкил қилдик. Хуллас, режадаги кўпгина юмушларни бажариш учун аввало иқтисодий заҳираларни мустаҳкамлаш зарур бўлади. Шу учун ҳам ушбу йилда жамғарма қошидаги кичик корхоналарнинг фаолият доирасини янада кенгайтириш ниятимиз бор.

«РАҲБАР ҚАТТИҚ СЎЗ АЙТСА...»

КЕКСА Кўнгли ОЗОРЛАНКАН!

— Узок йиллар турли масъул вазифаларда ишладик, — дейди собиқ маҳалла оқсоқоли Мирза Бўронов. — Нафақага чикақанмидан сўнг Шароф Рашидов номли маҳалла оқсоқолигига сайлашди. Бу маҳаллада йигирмага яқин миллат вакиллари яшади. Тўй ва маъракаларда уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини кўрсангиз ҳайрон қоласиз. Маҳалла аҳли инюк ва аҳил бўлса, улар билан ишлаш осон кечади. Оқсоқоллик давримда, яъни ўтган йил ичида яхши ишларни амалга оширдик. Маҳалла ёшларидан футбол жамоаси туздик. Яраштириш комиссияси аъзоларининг фаолияти тўғрисида бирорта хонадон қўйди-чиқди қайд этилмади. Ёшлар тарбиясини яхшилаш бўйича маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини йўлга қўйдик. Наврўзу ҳайитларимизда эса кишилар янада жипслашди, ўзаро маслаҳат йўли билан катта режалар тузиб оламиз. Хуллас, ютуқларимиз анчагина, бироқ муаммоларимиз ҳам бор. Ичимлик суви бизга Гулистон шаҳридан келтирилди. Гоҳида узилиш бўлиб, қийналиб қоламиз. Табиий газ тўла қувват билан ишламайди. Гоҳида шунчалик пасаийб кетадики, чой қайнашини соатлаб кутасан. Мутассадди ташкилотларга арз қилсак, «Газ пулини вақтида тўламайсизлар» дейишади. Газ тўловларини аҳолидан йиғиб бериш биз оқсоқолларга топширилган (Аслида шаҳар газ таъминоти бошқармаси томонидан ҳар бир маҳаллага битта назоратчи тайинланган, улар худди шу тўловларни ундириш билан шуғулланишлари керак!). Тўловлар қай даражада ундириляётганига тайинланган назоратчи эмас, кўпроқ биз масъул бўлиб қоламиз. Балки оқсоқол бўлганимиз учунми... «Назоратчидан қўра оқсоқол одамларга ўз сўзини ўткази олади» дейишар, балки. Бироқ қан бунда эмас-да. Газ тўловларини ўз вақтида йиғиб беролмаган оқсоқолларимиз ҳар кеч шаҳар ҳокимидан нукул дашном эшитишдик. Ҳамма гап шунда! Мен энг кекса оқсоқоллардан бириман, соғлигим ҳам унчалик яхши эмас. Уйма-уй юриб, газ тўловларини йиғиб беришга кўпинча улгуролмайман. Шаҳар ҳокимига шу ҳақда сўз очсам, «Улгуроляётган бўлсангиз, ишдан бўсанг!» деди. Кўпчилик олдида айтилган бу гап кўнглимга қаттиқ теғди. Аслида ҳокимимиз ёш, талабчан, халқ фаровонлиги учун жон қўйдирапти. Шу инсоннинг сая-ҳаракати билан катта ҳажда ободончилик ишлари бажарилиди. Оқар сувлар муаммоси ижобий хал этилди. Лекин йиғинларда эл олдида биз кексаларни сал аяброқ гапирса яхши бўлармиди... Уша кўнги гап менинг жон-жонимдан ўтиб кетиб, ариза ёздим. Аризамга «Газ тўловларини ундириб беролмаганим учун ишдан кетаяпман» деб қўшиб қўйдим...

ҲОКИМ НИМА ДЕЙДИ?

— Янгиер бир пайтлар қўш уса каноти куйдиган қақроқ чўл эди, кишиларимизнинг фидойилиги билан йиллар давомида обод ва гўзал шаҳарча бунёд бўлди, — дейди шаҳар ҳокими Аҳад Остонов. — Янгиерликлар ҳалол, танти ва меҳнаткаш халқ. Узок мудат иш секинлаб, бошдан-оёқ қарзга боғлан улкан заводни қайта тиклаш йўлидаги ҳаракатларимиз

ларни иш билан таъминлаш учун жамики чоратadbирлар кўриляётир. «Яхтасервис» фирма-си қошида ипдан мато тайёрлаш цехини ишга туширдик. Маҳаллалардаги кўпчилик хотин-қизлар шу цехда ишляашаяпти. Ҳадемай бу жой янада кенгайтирилиб, унда тўққиз хил маҳсулот ишлаб чикариляди.

Ҳокимнинг айтишича, шаҳарчининг олдинги шухратини тиклаш осон кечаётган йўқ. Хусусий тadbиркорлар, корхоналар эгалари кўмагидан фойдаланиляпти. Уларнинг қўллаб-қувватлашлари билан яқинда шаҳар марказида Хотира майдонини барпо этилди. «Мотамсаро она» монументи шу майдонга ўрнатилди. Қаровис қолган Янгиер стадиони тикланди. Футбол мактаби биноси қайта таъмирланди. Бир неча йиллардан буён ишлямаётган киши чўмилиш ҳавзаси яна гавжум бўлиб қолди.

— Тўғри, аҳоли табиий газ оқими пасти-гидан норози, — дейди Аҳад Остонов сўбат давомида. — Бунга сабаб газ тўловлари аҳолидан ўз вақтида йиғиб олинамяётганидир. Қонуний шартларга қўра, тўлов муддати ўтиб кетса, аҳолига газ бериш тўхтатылади. Шунинг учун ҳам биз бу масалала кўпинча оқсоқоллар ёрдамига суянамиз. Ахир оқсоқол — маҳалла ҳокимидай гап, у маҳалла аҳлининг кўнглига йўл топади, уларнинг оилавий шарт-шароитини яхши тушунади. Газ учун тўловларини йиғишда ҳам оқсоқолнинг сўзи, қўллаган тadbири, маслаҳати кўпроқ иш беради. Тўловлар жуда кечкиб кетган ҳолларда уларга қаттиқ-қуруқ гапир-иришга ҳам тўри келади, баъзан... Менимча, оқсоқол имкондан имкон қидириши, тиниб-тинчимаслиги керак. Ана шундагина маҳалла обод, одамларнинг руҳи балан бўлади.

Дастурий вазифаларни биз доимо бир-галикда, ўзаро йўнларда келишиб оламиз, оқсоқолларга ўз тақлифларимиз, талабларимизни айтсамиз. Лекин, йиғиндан чикақч, ҳар бир оқсоқол ўзича иш тутади. Улар орасида ўз вазифасини аниқ билмяйдиганлари ҳам бор-да! Бир сўз айтилдики, шуни виждонан удалаюйдиганлари кўп. Шундай оқсоқолларнинг жонқуярлиги тўғрисида «Карвонсарой-1», «Карвонсарой-2», «Маърифат», «Истиклол» маҳаллалари янада кўрақ тус олди. Бу маҳаллаларда одамларни қийнаётган муаммолар ҳам осонгина ўз ечимини топмоқда. Хуллас, ҳали қилмадиган ишларимиз анчагина. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаш, бир-биримизга ён бериш, ўзаро ҳамжиҳат ва аҳил бўлиб ишлясакмига бунга эришамиз.

ҲАРАКАТДА... БАРАКАТ!

«Истиклол» маҳалласи оқсоқоли вазифасини бажаряётган Хадича Фафурова билан сўбатлашга, қайфиятимиз анча кўтарилди. Бу маҳаллада новвойхона, сартарошхона, ошхона-чойхоналардан ташқари ёшларнинг бошини бириктиряётган бир неча хунар масканлари ҳам бор экан.

— Касаначиликни йўлга қўйганмиз, — дейди у. — Катта ёшли аёллар уяларида кўрна қавиш, қуруқлаш, умуман шу сингари тикиш-чатиш ишлари билан шуғулланишди. Қўзалоқларга хунар ҳам ўргатышади. Мухими, улар тиккан маҳсулотларни бозорга чикариялмиз, касаначи ҳам, маҳалладаги кам даромадли хонадонлар ҳам бундан манфаатдор бўлишмоқда. Эплаганча элакда сув, деб бежизга айтишмаган-ку, ахир.

Салкам беш минг аҳолиси бор бу маҳаллада тўй ва маъракалар жуда тартибли ўтаркан. Сабаби битта, у ҳам бўлса маҳалла фолларининг бу борада аниқ режа асосида иш юритишидир! «Яқинда фолклор этнографик дастасини ҳам ташкил этдик. Бундан кейин маҳалладаги тўй-йиғинларда ўзимизнинг яллагилар хизматда бўлишди», — дейди Хадича Фафурова бизни кузатиб қоларкан.

«Маърифат» маҳалласи худудида жойлашган Янгиер футбол мактаб-интернатиде юзлаб болалар таҳсил олишади. Ёзги ва қишқи заллар ишлаб турибди. Синфхоналар янги яракляйди. Бинонинг ён-атрофи чорбоғ.

— Вилюат микёсидаги йирик тadbирлар

мага бориб тақалади?! Бу саволга ким жавоб беради?

— Шаҳримиз аҳолисининг газ тўловлари бўйича давлатдан анча-мунча қарзи бор, — дейди шаҳар ҳокимининг қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиқлар бўйича биринчи ўринбосари Абдуҳаким Хотамов. — Қарз микдори қанчалик кўпая бурса, аҳолига газ бериши тўхтатыб қўйиш ҳавфи ҳам шунчалик ошади. Дебитор қарзини камайитириш устида ҳам ишляшмиз лозим. Утган йил давомида дебитор қарзларимизни бир неча ўн миллион сўмга камайитиришга эришдик. Агар тўловлар ўз фойзага бажарилса, бунинг эвзасига маҳаллага юз минг сўм нақд пул берилади. Бу пулнинг фоизи кам таъминланган хонадонларга сарфланади. Қолгани маҳалла оқсоқоли ва штатдаги бошқа кишиларга тақсимланади. Демак, коммунал тўловларни йиғишда озгина жонбозлик кўрсатылса, бундан кўпчилик манфаат кўради. Бунинг учун оқсоқол ўта тadbирли бўлиши, тўловлар бўйича иш юритаётган назоратчи кўмагидан оқилона фойдаланиши лозим. Шундагина ортиқча гап-сўзларга ҳожат қолмади. Кейинги пайтда газ ҳисоблагичларнинг афзаллиги хусусида кўп гапирилмоқда. Ҳозирги пайтда «Карвонсарой», «Тинчлик» сингари бир неча маҳаллаларда хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Қарангки, унинг фойдаси бежиз экан, яъни газ тўловлари одатдагидан икки-уч хисса арзон нарҳда тўланаркан! Бунинг устига назоратчи ва оқсоқол газ тўловларини деб тавиш чекми юришмайди. Биз икки-уч йил ичида 13 минг 800 хонадоннинг ҳаммасига газ ўлчагичлар ўрнатыиши режалештирганмиз. Бироқ, кишиларимизнинг ўзлари ҳам ҳозирданок шу ишга киришиши са борми, анчагина муаммоларимиз ўз ечимини топган бўлар эди.

ИҚТИСОД ВА МАЪНАВИЯТ — ЭГИЗАК

Алкисса, шаҳардаги ўн тўртта маҳалланин-г барисиде савдо дўкони, чойхона, ошхона, новвойхоналар бор, бироқ атиги битта бўлса-да, кутубхона йўқ! Маънавий-маърифий тadbирлар онда-сонда ўтказылади. Ахир, маънавият тарбияси бошланаяқ улўғ ишларимизга дебона, олдинга қараб қоқилмасдан боришимизда йўлчи юлдуз-ку, шундай эмасми? Неки улкан орзу-мақсадларимиз бор, ҳаммасига маънавий илгарилаш орқали осон эришамиз. Маҳаллаларимизда чиройли ва шинам кироятхоналар қурилса, маънавият-маърифат масканлари қарор топса қандай саз бўларди. Биз қачонки ўзимизни маънан камолга етказасак, шундагина бир-биримизни асраб-авайляймиз, бир-биримизга керак эканимизни англаймиз, бир-биримизга янада гамхўр ва қадрдон бўла борамиз. Бу ҳаёт ҳақиқати.

Гулчҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

БАҲОР КЕЛДИ

Сизни сўроқлаб...

Жаннатмакон устозимиз Зулфияномин ҳақида ёзилган хотиралар, тайёрланган кўрсату-ва эшиттиришларнинг деярли барчасига шу сатр сарлавҳа бўлиб чикади. Ва бу ҳол бизга жуда табиий бўлиб туюлади. Қачон, қайда шу сатрларни эшитсак, оҳанглири, сўзларида Зулфия опамнинг ҳечриси сувратлангандай бўлади. Аслида бу шеърисиз ҳам шоира ижодида баҳор ҳақида, баҳорга туташ соғинч, ҳижрон ва уйғониш ҳақида шеърлар кўп. Ҳатто бир шеърда:

Баҳор бўлмасайди, одамзот албат,
Уни кашф этарди, кашф этгандай бахт,
деб ҳам ёзган эдилар. Бу фаслини чиндан ҳам жуда яхши кўраб эдилар. Чимкент қўчасидаги уйлари учинчи қаватда жойлашган эди. Қўқлам кириб, дарактлар кўқлаганда, оқшомлар айвонга чикаиб, деразани очиб ўтириши яхши кўрабдилар. Айниқса, баҳор ёмғирлари шивалаб ўтган, настирон бўйлари гуркираган кезлар ҳавони ҳовуламқочидай деразадан қўлларини узатиб, қафтларини очдилар:

Баҳорда одамнинг умри сира ҳам қисқармаса керак. Узайиб кетади чоғи, — деганларини эслайман.

Кушларнинг сайрашини эшитиб:

Жуда яйраб сайрашади. Худди баҳор фақат уларнинг фаслидай, — деб завақланганлари ҳам ёдимда қолган. Уйларидаги гулдонларда тўрт фаслда ҳам тирик гуллар яшанча турарди. Айниқса, баҳорда боичекаддан бинафшага...

Зулфия опам боичекаки «бо-тир гул, баҳордир гул» деб қўярдилар.

Биринчи март — туғилган кунларида уйлари гулзорга айланарди. Эҳтимол бир бойламан, икки бойламан бурч юзасидан ёки ниманингдай илин-жида келган гуллар ҳам бўлганлар. Аммо гулдасталарнинг деярли ҳаммаси меҳр, садоқат, миннатдорчилик рамзи эди. Дусту ёрлари қариндошларуруғлари, айниқса, биз — шо-гирд қизлари Зулфия опамга катта бир муҳаббат билан боғланган эдик. Фақат биз эмас, Ўзбекистоннинг узок-яқин шаҳар қишлоқларида яшайдиган қизлар, келинчақлар, ёши улўғ аёллар ҳам ўз кўнглилари — тавиш-қувончларини шоирага ишонар эдилар. «Саодат» тахририятига ҳам, уйларига ҳам, уйларига ҳам хатлар оқиб келарди. Ота-онаси ўқишга қўймаган қизлар, актриса бўлишни орзу қилганлар, севган кишисига етиша олмай қийналяётганлар, уй-жой муаммолари, иш билан боғлиқ муаммолари... Беъэти-бор қолмасди. Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Мустанй Карим, Чингиз Айтматов, Марварид Дилбозий, Силва Капуги-каки адабиётнинг йирик намояндаларига қандай эти-бор ва диққат билан жавоб хатлари ёзсалар, Фарғонаданми ё Самарқандданми мактуб йўллаб, илк машқлари ҳақида фикр сўраган ҳаваскор қиза-



Зулфия опам ҳақида ўйланганимда «бутун» деган бир сифат бот-бот ёдимга келади. Фийбатни ёқтирмасдилар. Майда гапларни ёмон кўрадилар.

Агар жуда гапиргилари келиб қолса: — Жуда ёмон бир иш қилди-да шу одам, — деб қўйишлари мумкин эди.

Зулфия опам қийналган, эзилганларини ҳеч қачон ҳеч кимга кўрсатмаслиқга уринардилар. Фарзандлари меҳри-кор, неваралари бекаму кўст, ҳаммининг эъозиде бўлсалар-да, у кишида ҳам бир инсон-чалик ўзига яраша қайғулари бор эди. Аммо бу ҳолатларини бирозга дастурхон қилмасдилар. Ҳатто, қизларим кўзи-да тик турган қўйи аввалгидай қолай, деб ҳаётларининг сўнги кунларида — хасталиқларида бизни ёнларига қўймадилар.

... Мана энди юрагимизга яқин сатрларини айтиб-айтиб, қадрдон чекраларини соғиниб-соғиниб юришимиз. Ҳайит, байрамларда Ойдин опам бизни қабристонга бошлаб боради-да. Тиловат қилимиз, гулдаста қилимиз. Ээилиб, ёлқаларимиз сўликина бошласа: — Ййглама! — деган овозларини эшитгандай бўламиз. Шоша-пиша кўз ёшларимизни артаемиз.

«Саодат»да қабулхонамизда барча журнал бош муҳаррирлари қатори суратлари турибди. Чиройли, жилмайган. Ҳар эрталаб салом берамиз, кета-ғийтиб хайрлашамиз. Ушлаб, туган буюмлари бор. Байрамларда столга қўйсак, Ойдин опам: «Зулфия опадан эсдалик, эҳтиёт қилинлар», деб турардилар.

Бир пайтлар устозимиз адабиёт, санъат, таълим, маданият, фан соҳасидаги қизларга ҳомийлик қилган эдилар. Энди бу вазифани устоз номига қўйилган муқофот адо этиляпти. Зулфия издошлари, Зулфия қизлари, Зулфия ёдугу-рлари деган атамалар пайдо бўлди. Бу — шоира умрининг давоми.

... Биз ёз бошларидан қуз-гаца Дўрмонда — дала ҳовли-ларига қайтдик. Ҳар оқшом айланарди. Шундай сайрлар-нинг бирида: — Зулфия опа Назим Ҳикматнинг хотини Вера Туляков-ваннинг: «Бееседа с Назимом после Назыма» деган хотира-ларини ўқидим. Услуби жуда ёқди. Мен ҳам қачонларди-р «Зулфиядан кейин Зулфия билан сўбатлашар» деган хотира ёссам керак, дедим.

Кулимсирардилар: — Ёз, ёза қол. Ҳозир баъзи ёшроқ ҳамкасб-ларимни ўйламай гапирасиз, — деб койийман. Уйлаб қарасам, ўзим ҳам шу гапни орқа-олдим-га қарамай, гапирган эканман. Кўнглимни қабаргандир...

Ҳар гал тиловатдан сўнг «Биздан рози бўлинг!» деб чи-чирлаганимда шу армонлар ҳам ҳаёлимдан ўтади.

Бирор иқтидорли қизни бир эшикка етаклаб бориб шеъримни, ҳикояси чол этилиб, қувончини кўрсам устознинг бир бор розилигига эришгандай қувонаман. Ўн, қиз қарра эришим келади.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими.

Душанба, 3 Кўринг, томоша қилинг!

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»	14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди».	14.30 «Яхши-ёмон йиғитлар».	15.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадий жамоаларининг концерти.	15.40 «Камилла». Телесериал.	16.10 «Баҳор келди сизни сўроқлаб».	16.50 Муслиқ танаффус.	17.00 Эркин ва июн рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири.	19.00 «Мулдор».	19.15 «Олтин мерос».	19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар
-----------------------------	---------------------------------------	-----------------------------	--	------------------------------	-------------------------------------	------------------------	--	-----------------	----------------------	--

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.	20.15 Биржа ва банк хабарлари.	20.30 «Ахборот».	21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».	21.35 «Жаҳон». АА тақдим этиди: «Буюк Ипак йўли ҳақида ҳақиқат». Видеофильм премьераси. 1-2-фильмлар.	22.05 Бир жуфт қўшиқ.	22.15 «Ифтихор».	22.35 «Ўзбекистон» канали-да илк марттаба: «Камилла». Телесериал.	23.05 «Ахборот-дайжест».	22.25-23.30 Ватан тимсоллари.
------------------------	--------------------------------	------------------	--	---	-----------------------	------------------	---	--------------------------	-------------------------------

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.	9.00 Давр тонги.	10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».	10.25 «Ўрмон эртақлари». Мультифильм.	10.55 ТВ-анонс.	11.00 Давр-news.	11.20 Жаҳон жуғрофияси.	12.10 Оғоҳлик-давр талаби.	12.35 Болалар экранни: «Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи».	13.55 Автосалтанат.	14.10 «Кусто командаси-нинг сув ости саргузаш-тлари». Телесериал.	15.00 «Давр» ҳафта ичида.	15.30 «Автобилдан
---------------------------	------------------	--	---------------------------------------	-----------------	------------------	-------------------------	----------------------------	--	---------------------	---	---------------------------	-------------------

20.20 Озод юрт фарзандлари.	20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар	20.40 «Ёшлар» телеканалиде премьера: «Ажал сўкмоғи». Бадий фильм йўлида.	21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.	21.45 Олтин мерос.	22.00 Давр.	22.40 ТВ-анонс.	22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.	23.10 «Ёшлар» телеканалиде спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.55 Давр.	1.00-1.05 Ҳайрли тун!	«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ
-----------------------------	------------------------------	--	-----------------------------	--------------------	-------------	-----------------	---------------------------------------	---	-----------------------	-----------------------------

17.10 Кўрсатувлар тартиби.	17.20 ТТВда сериал.	17.55, 19.05, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.	18.15 Болажонлар экранни.	18.30, 20.00, 21.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.	18.50 «Спорт ва болалар».	19.25 «Халқ саломатлиги йўлида».	19.50 «Жозоба».	20.30 ТТВда сериал.	«Мафқунор аёл».	21.35 «Хусусийлаштириш: қаддам-қадам».	22.15 «Пойтахт шаҳри».	22.40 Кинонигоҳ. «Бинго-Бонго».	0.10-0.15 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»
----------------------------	---------------------	--	---------------------------	---	---------------------------	----------------------------------	-----------------	---------------------	-----------------	--	------------------------	---------------------------------	---------------------------------

Биринчи канал 7.30-9.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести».

Хаваскор ён дафтарида

АСИРА СЕВГИМ

Бир гўзал дилбарни севгандим, бироқ, Севгидан кўрганим бўлди ғам-фироқ. Энди мен севгидан юрарман йироқ. Тилло занжирларга асира севгим.

Муҳаббат дегани шу бўлса агар, Бўлмасдим ҳеч қачон унга даъвогар. Ишқ таңгриси, билмам, кимни жазолар, Тилло занжирларга асира севгим.

Бобомурод НУР.



ШАНБА ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Уқинг, қизиқ!

ЭНГ КУЧЛИ ЗАХАР

Колумбиянинг гарбий қисмида яшовчи ва «ўта қабих» деб ном олган бу курбақа терисида жойлашган сўлак безлари воситасида дунёдаги энг кучли захар - батрахоксин ишлаб чиқаради. Мазкур захар фақат 1973 йилга келибгина кашф этилган.

Битта вояга етган курбақа захари бир ярим минг кишини ҳалок этиши мумкин. Бироқ шуниси қизиқки, мазкур ҳудудда яшовчи «Костарика леймадофиси» деб ном олган илон ушбу курбақаларни пок-покиза тушираверади ва бундан бирон-бир зиён-заҳмат кўрмайди.

Фил суягидан қолишмайди

Эквадор ўрмонларида ўсувчи бир турдаги хурмо дарахлари катталиги инсон бошига тенг келадиган мевалар беради. Мезъридан ортиқ пишиб етилган мевалар оппоқ тус олиб, қаттиқликда фил суягидан қолишмайди. Устига-устак, мазкур мевалар чидамиллик борасида фил қозик тишлари билан бемалол беллаша олади, улар на захни, на искирни, на совуқни ўтказмайди.

Хатто, қайноқ сув ҳам уларга таъсир кўрсата олмайди. Шу сабабли Эквадорда ушбу хурмо меваларидан турли-туман тақинчоқлар, тумалар, тасбечлар, шохмот доналари ясаллади. Сиртдан қараб, уларни ҳақиқий фил суягидан ажрата олмайси.

Норин туманига йўлимиз тушганида банагоҳ «Шахидмозор» кишлоғида тўйга таклиф этишди. Хонадон эгаси Жалолиддин ака кишлоқнинг обрўли кишиларидан экан. Меҳмонлар учун ажратилган хонада ўтирарканмиз, уй тоқчасидаги сув қоғозга ўраб қўйилган потефонга кўзимиз тушди. Ажабо, магнитофоннинг минг тури пайдо бўлган ҳозирги замонда-я!

УКРАИНАДА ЯНГРАГАН ЎЗБЕК ХОНИШИ

Оиламиз учун табаррук нарсаси бу - дея изоҳ беришди мезбонлар, - бобомиздан бизга мерос. Қолаверса, у олис-олис ўқаларда Ўзбекистонни, ўзбек элини эслатиб турган...

Украинанинг Херсон вилоятидаги ўрмонзор ва қамшизор Каховка туманига сургин қилинган Камоловлар оиласи бир неча йил шу ерда яшади. «Ота учун бола жавобгар эмас», дея эълон қилинган бўлсада, оила соҳибни Мадамин Камолов кишлоқдаги ўзига тўқ, бир неча гектар боғи, экин майдонлари ва 15 дан ортиқ чорва моллари бўлган боис 1930 йил бошларида тунда олиб чиқиб кетилганча на ўлигидан, на тиригидан дарак топилмади. Хонадон аъзолари бор-бурдидан ажралгани етмагандай, 1936 йилда кўлдаги гўдакларига қўшиб гадои топмас ва кеча-кундуз чивиллар тинч қўймайдиган кимсасиз хуторга сургун қилиндилар. Улар зиммасига қувш елкани дурустроқ илтифатидан шу жойларда пахта етиштириш вазифаси юклатилди. Кўплар бу ернинг об-ҳавоси, намчилик иклими ва пашша-чивиллар тарқатган касалликларга чалиниб нобуд бўлди. Аввалига ертўлаларда яшашди, кейин гувалак қўйиб бостирма сифат кулбалар қуриб олишди. Тирик жон яшаш учун интилади, дейишганидай ўрмондан ўтин тайёрлаб, турли меваларни териб, иложини топиб дехқончилик қилиб, ҳосилини бозорга чиқариб сотиб, кун кўришарди. Шароит қандай бўлмасин, ҳаёт ўз измида давом этар, қизлар бўйи

етиб, болаларнинг мўйлаби сабза уриб қолганди. Шу сингари Камоловларнинг ака-ука Зиёвдин ва Абдусаттор исмли ўғиллари ҳам вояга етишди. Улардан биринчиси Анджоннинг Шахрихонидан кўчирма қилинган Патилахон деган қизга кўнгил қўйиб уйланди. Тўйда тўрт-беш қариндош ва кўни-қўшилар қатнашди, холос. Зиёвдиннинг армони шу бўлдики, келинга ҳеч бўлма-са пальто совға қилишнинг иложини топмади. Ахир, қор белгача ёғадиган Украина шароитида юпка тўнда қандай юради. Ез бўйи ўзини ҳар тарафга урди, ўтин сотди, мева терди, пича пул йиғди ва куз ойларидея бозорга борди.

Гавжум бозорни айланаркан, кўлгоғи ёқимли куй ва юракни эзувчи ўзбекча қўшиқ янгради. Атрофга аланглади. Шундоқ яқинида соқоли патила, эғни хароб бир киши патефон кўяётган эди. Зиёвдин сингари бир неча ўзбек кўзларида милтиллаган ёш билан сотувчини ўраб туришарди. Улар қаторига йиғит ҳам қўшилишди. Сал ўтмасдан патефон эгаси қопқоқни ёпди.

Сотиб оладиган бўлса, олсин, мен кетаман! Матоҳ эгаси айтган пул анчагина эди, бунақа мард топилмасди. Шунда Зиёвдин шартта пулни чиқарди.

Пластинкалари билан олишга мен харидорман! Уйига яқинлашяпти-ю, юраги така-пука: хотини нима деркан? Ахир унга пальто келтирмаган, дегандида. Ўрмондан мевани ҳам бирга теришган, бозорга чиқариб сотишган, ўтинни ҳам ёнма-ён туриб тайёрлаш-

ган... Этикни ечиб тўшакка ўтирдим-ю, патефонни кўйдим. Хонада ёқимли тарона янгради. Зиёвдин хотинини зимдан кузатарди. Патилахон

кўзларида пайдо бўлган ёшни кўриб аввалига юраги ҳапқирди. Кейин лабида уйнаган табассумни кўриб енгил тортиди.

Шундай бўлиб қолди, пальтогаям бирон илож топармиз, - деди айбордай.

Ҳечқиси йўқ, янаги йил олиб берарсиз, ташқарига камроқ чиқарман қишда... Бир тарафи ботқоқликка улашиб кетган кишлоқда шу кунги тўй бўлди гўё. Тонггача одамлар узилишмади. Ўн йилга яқин вақтдан бери ўзбекча куй-қўшиқни эшитмаган сургундагилар пик-пик йиғлашарди. Ҳалимоҳини ва Тамахоҳини, Тўйчи Хофиз, Маъмуржон Узоқов ва Юнус Ражабийларнинг хонишлари уларнинг қалбларини ўртар, узоқ-узоқларда қолиб кетган жонажон Ўзбекистонга нисбатан соғинч ва муҳаббатларини баттар алангалатарди. Шу тариқа ҳар оқшом хамюртлар тўрланадиган бўлиб қолишди. Бу эса бора-бора «хукумат одамлари» кўлгоғи етиб борди.

НКВДчилар етиб келишди ва Камоловлар хонадонининг гувалак деворларига қовлаб кўришди, гўёки улар тўпланиб олиб давлатга қарши ташвиқот юргизишяпти, антисовет варақалар чиқаришяпти, деган тўхматларини исботлашмоқчи бўлишди.

Воқеаларнинг бундай тус олишидан кўрққан бадарга қилинганлар эндиликда бошқа йўл тутишди. патефонни навбатда-навбат олиб кетиб уйларида эшитишадиган бўлишди. Зиёвдин эса рўзгор хариди учун ҳар гал бозорга борганида, албатта, ўзбекча қўшиқлар ёзилган пластинкаларни олиб келарди.

Тумор

Орада уруш бошланди. Энди «кучирма қилинганлар» ҳукумат органлари томонидан баттарроқ сиқувга олинди. Ишга ярайдиган эркаклар дарҳол рўйхатга тушди ва қадамлари назорат қилина бошланди. Сал ўтмай улар, яъни халқ душманларининг фарзандлари армияга қақирилмасида, меҳнат фронтига, оғир ва машаққатли меҳнатга жалб этилдилар.

Дадам, 1941 йилда - мен бир ёшлигимда сургун қилинганлар қатори фронт ортига, Магнитогорск шахрига жўнатилган экан, - дейди бизга бу аянчли кечмишни ҳикоя қилиб берган Жамолиддин ака, ниҳоят 1946 йилда унга уйга қайтишга рухсат этилибди. Дадам полвонсифат бўлганлигидан очлик, совуқ ва кеча-кундуз давом этган қаттиқ меҳнатларга дош бериб, тирик қолибди. Сургундагиларга ўз юртига қайтишга рухсат беришди, деган гапни эшитиб Уралдан тўппа-тўғри «Шахидмозорга» кетган. Биз ҳам Абдусаттор амаким етакчилигида сал ўтмай Ўзбекистонга қайтдик. Онамиз дастлаб у ёқларда «халқ душмани»нинг келини сифатида, кейин эса бу ёқда шу тамга билан азоб-уқубатлар тортиди, таъна-ю дошномлар ешитди. Кўп ташвишлари бошларидан кечирганлари боис 56 ёшларида оламдан ўтиб кетдилар. Дадамиз эса 87 ёшларида вафот этидилар.

Жалолиддин ака патефонни сақлаб келаётганликлари боисини шундай изоҳладилар:

Биринчидан, отамиздан мерос, иккинчидан ҳозирги ёшлар озоқлигимиз, мустақиллигимиз қадрига етишлари учун, бу ҳақда уларга гапириб бериш учун асраб келяпман...

Йўлдошли САМИЕВ, Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

БУЮК КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Базмда машҳур америка ёзувчиси Эрнст Хименгу-ейдан замонасининг бойвачаларидан бири сўради: - Айтгинг жаноб, ёзиш учун энг қулай усул қайси? - Чап томондан ўнг томонга қараб ёзиш, - тўнгиллади Хименгуэй.

Инглиз ёзувчиси Грем Грин (1904) Парижда узоқ муддатли ижарага уй қидирарди. Ниҳоят дўсти бир уй топди. Уй хўжайини унга бошдан оёқ разам солиб, сўради: - Ёш болаларингиз борми? - Йўқ. - Кучугингиз, мушугингиз ёки тутиқушнингиз-чи? - Йўқ, жаноб. - Яъши, демак сизда тинчликни бузадиган ва бошқаларга ҳалақат берадиган ҳеч нарса йўқ, шундайми? - Биласизми, ёзаётганимда рўкамнинг учи бир оз овоз чиқаради. Шундай бўлишига қарамай Грем Грин ўша уйдни ижарага олди.

Мюнхенлик қизиқчи Карл Валентиндан сўрашди: - Қизиқ - қизиқ ҳикояларни қандай ёзасиз, жаноб Валентин? - Бу жуда осон! Қоғоз, қалам оласиз ва каллангизга нима келса шунини ёзаварсиз! Ёзиш осон, аммо каллангизга бирон фикр келиши қийин-да! Немисчадан ШУХРАТХОН ИМЯМИНОВА таржимаси.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Адан қўлтиги - Арабистон ва Самали ярим ороллари ўртасидаги қўлтиқ. Бу ном денгиз соҳилларида дехқончилик билан шугулланувчи ўтрок (адн - арабча «ўтрок» дегани) халқ номидан олинган. Ақаба қўлтиги - Қизил денгиздаги қўлтиқ. Ақаба - арабча «хавфли

сўқмоқ йўл», «якка оёқ йўл», демақдир.

Дажла - Фарбай Осиёдаги дарё, Араблар Дижла деб юртардилар. Ҳар иккала шаклда ҳам маъноси бир хил, яъни «дарё», демақдир.

Нил - Африка қитъасидаги энг узун дарё. Нил сўзи қадимги мисрликлар тилида «дарё», «сув» каби

маъноларни англатган. Нил дарёсининг Ок Нил ва Кўк Нил каби ирмоқлари шу дарёлар сувининг рангига қараб номланган. Форс қўлтиги - Ҳинд океани қўлтиқларидан бири. Қўлтиқ жанубий Эронда яшовчи форс қабилалари номи билан аталган. Форс сўзи қадимги Ҳинди тилида «чавандоз-лар», яъни йилчилик билан шугулланувчи халқлар маъносини англатади. Фрот - Фарбий Осиёдаги дарё. Дарёнинг номи «чучук сув» маъносини билдиради. Чунки дарё атрофида шўр ва шўртуб сувли қўллар ҳамда қудуклар кўп. Улик денгиз - Осиёнинг фарбидаги қўл. Қўл суви жуда шўрлиги туфайли унда тирик ҳаёт йўқ. Шу боисдан қўл «улик денгиз» деб аталади. А.АЛИЕВ тайёрлади.

Газетанинг 30-сонидagi Кроссворд-Чайворднинг жавоблари

Диоганалар бўйича: 1. Фару. 2. Фара. 3. Баҳо. 4. Файз. 8. Қадр. 9. Малак. 10. Атлас. 11. Ангор. 12. Ангар. 13. Драп. 14. Одат. 15. Қазиз. 19. Умар. 20. Онега. 21. Арима. 22. Арафа. 23. Аванс. 24. Овул. 25. Ганг. 26. Руш. 30. Марс. 31. Неру. 32. Мурч. 33. Арпа. Белгиланган хонадон қарам атрофига соат тили йўналишида: 5. «Шашмақом». 6. Чавандоз. 7. Радиятр. 16. Тустовуқ. 17. Хаваскор. 18. Диназавор. 27. Шлагбаун. 28. Самандар. 29. Назматяк. Чайворт: 34. Бурч. 35. Чарх. 36. Хина. 37. Агра. 38. Атом. 39. Морж. 40. Жияк. 41. Кипр. 42. «Реал». 43. Ленц. 44. Цент. 45. Танк. 46. Қури. 47. Ироқ. 48. Қавс.

Ташкилотчи қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда қасаба уюшма ташкилоти сузиш спорти мураббийси, спорт устаси Ригина Анатолевна ТОМИНАнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Футбол

Баҳор келган бўлса-да, қиш ҳавоси ҳали ўз ҳукмини ўтказмоқда. Аммо муҳлислар учун бу сабаб бўла олмайди. Ҳўш, жамоаларимиз янги мавсумга қандай таъриғарлик кўрмоқда?

МАВСУМ БОШЛАНИШИГА 18 КУН ҚОЛДИ

Ўтган йили чемпионатимиз қумуш медали соҳиби бўлган Фаргонанинг «Нефчи» жамоаси эса мавсумга асосан ўз уйида тайёрланди. Фақат ўтган дашнаб кунги Тошкентга, навбатдаги йилги ўтказиш учун келди. Эртаси кунийқ федерация «Жубоги» финалчиси Находанинг «Океан» жамоасига қарши ўйин ўтказиб, кичик ҳисобда (1:0) ғалаба қозонди. Фаргоналиклар бу йилги мавсумда ўз таркибларини кучайтириш мақсадида Ш. Асатов («Металлург») У.Таджимов («Жайхун») Р.Розевиқ (Кимёгар) каби футболчиларни қўриқдан ўтказмоқда.

Зарафшоннинг «Кизилкум» жамоаси ҳозир Туркиянинг Белек шаҳрида мавсумга тайёргарликни давом эттирмоқда. Сафар 9 мартгача давом этади. «Кизилкум» жамоасида ҳам ёш футболчилар қўриқдан ўтмоқдалар. Хусусан М.Исромов, К.Кўзнецов, О.Исабоев, Акбаров, (Металлург) О.Худоберов, А.Холиқов («Зарафшон») деб келиб қўшилиди. Таркибда йўқотишлар ҳам бор. А.Николаев «Пахтакор» га, Р.Байрамов «Навбахор»га ўтган бўлса, жамоанинг собиқ мураббийи С.Шевченко ўзи билан «Ордобаси» жамоасига Б.Белозипка ва С.Муртозоевни олиб кетган. «Кизилкум» Туркияда жисмоний тайёргарликни маромига етказиб, тўртта ўртоқлик ўйини ўтказишни режалаштирган. Жамоа бош мураббийи этиб Рустам Мирсодиқов тайинланди.

Қаршининг «Насаф» жамоаси икки ойлик машғулотлари ўз уйида ўтказди. Мавсумга тайёргарлигини сўнгги босқинини улар БААда давом эттирадилар. БАА сафаридан олдин Б.Ҳакимов шогирдлари сўнгги назорат ўйинини «Бухоро»га қарши ўтказиб 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Ўтган мавсум «Бухоро»да ўйнаган Файзулло Очилов яна «Насаф» га қайтди, шунингдек, Зокир

Бердиқулов ҳам қўриқдан ўтмоқда.Жамоадаги бор янгилик шулар. 1999-2000 йил Ўзбекистон чемпиони бўлган «Дўстлик» мураббийлар штабининг В.Рустамов тарқ этган, унинг ўрнига Қозоғистоннинг «Ешлб» жамоасида ишлаган мураббий Ж. Умаров ташриф бурюди. Энг катта янгилик, сўзсиз бу - кўп вақтлардан бўён жароҳати туфайли ўйнай олмаётган Олег Шақчихин «Дўстлик» сафида машғулотларда қатнашаётганидир.

Наманганнинг «Навбахор» жамоаси ҳам мавсумга зўр бериб тайёргарлик кўрмоқда. Улар ҳозир Россиянинг Кисловодск шаҳрида ўртоқлик-назорат учрашувлари ўтказмоқда. Бугунгача улар иккита учрашув ўтказдилар. Маҳачқаланинг «Динамо» жамоаси билан 1:1 ўйнаган бўлса, Луковичининг «Спартак» клубини 1:0 ҳисобида мағлуб этди.

Федерация кубоги баҳсларида «НБУ - Осиё» жамоасига ярим финалда ютказиб қўйган Муборакнинг «Машъал» жамоаси тайёргарлигининг сўнгги босқинини ўз уйида ўтказадиган бўлди. Уларга энг яхши рақиб «Бухоро» бўлса ажаб эмас. Муборакликлар машғулотларида Арслон Топилов ва Фарҳод Ҳабибуллин («Кизилкум»), Нурилла Ҳабибов («Бухоро») ҳамда Элшон Гамбаровлар қўриқдан ўтмоқда.

Ҳаким Фўзайлов мураббийлик қилаётган «Анджон» жамоаси федерация Кубоғида «Локомотив»га чорак финалда ютказиб қўйган тайёргарлигини пойтахтда давом эттирмоқда. Улар яқин кунларда 4 та назорат ўйини ўтказадилар. Андижонликлар сафида Павел Кайгородов («Машъал») ва Владимир Гаврилов («Гулистон») қўриқдан ўтмоқда.

Тошкент вилоятининг яна бир вақили Бекободнинг «Металлург» жамоаси кадрлар йўқотиш муаммосига дуч келган бўлса-да, федерация кубоғида муносиб иштирок этди. Жамоани тарқ этган Р.Мирсодиқов ўрнига Х.Эргашев бош мураббийлик қилмоқда.

Дароқе, федерация кубоги баҳсларида Находанинг «Океан» жамоаси пойтахтнинг «Локомотив» жамоасини 3 : 1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва турнир ғолибига айланди.

Абдулхай ЮНУСОВ.

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Муассис:

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 00.10

Манъалими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саққиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.